



O'ZBEKISTON

IJTIMOY-IQTISODIY GAZETA

BUNYODKORI

№49 (702) 2023 йил 16 июнь, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҒИ АМАЛДА

Банк кўмагида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда



“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан Бухоро вилоятидаги ишлаб чиқариш корхоналарига пресс-тур ташкил этилди. Тадбирда журналистлар банкнинг молиявий кўмагида ишга туширилган лойиҳалар ҳамда уларнинг иқтисодий ва экологик аҳамияти билан таништирилди.

– Президентимиз раислигида шу йилнинг 10 январь кунини sanoatni rivojlantirish hamda kushimcha захираларни аниқлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳанинг иқтисодиёт ва аҳоли бандлигида тугган ўрни таҳлил қилинди. – деди “Ўзсаноатқурилишбанк” Бухоро минтақавий банк хизматлари офиси бошқарувчиси Қодиржон Асадов. – Саноат тармоқларини янада ривожлантириш ва уларнинг айрим турларини “драйвер”га айлантириш юзасидан топшириқлар берилди. “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида янги sanoat zonalarини барпо этишда, ташаббускорларга истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишда яқиндан кўмаклашилмоқда. Кўшимча ресурслар жалб қилиниб, фаол молиялаштириш чоралари қўрилмоқда. 2022 йилда 60 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилди ва уларга 200 миллион сўм маблағлар йўналтирилди. Натижада 1275 нафар аҳоли иш билан таъминланди. Жорий йилнинг ҳозирги кунига қадар 62 лойиҳа амалга оширилиб, 180



миллиард сўм маблағ молиялаштирилди. Натижада 850 иш ўрни яратилди. Пресс-тур дастурига кўра, оммавий ахборот воситалари вакиллари дастлаб шу йилнинг май ойида иш бошлаган “Bukhara Gold Granit” масъулияти чекланган жамиятида бўлишди. Табиий пардозбоп тошларни қайта ишлаш жараёни билан танишди.

Кейинги йилларда Бухорода қурилиш материаллари sanoatini viloyatning драйверларидан бирига айланб улгурди. Соҳани янада ривожлантириш, худудларда қурилиш индустриясини

ривожлантиришда норуца минералларнинг хом ашё базасини ўзлаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш чоралари қўрилмоқда. Когон туманининг “Туткунда” маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган “Bukhara Gold Granit” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган гранит плиталарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси ана шундай ташаббуслардан. Яна аниқроғи, корхонада қурилишда фойдаланиладиган гранит маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қаратилган кластер ташкил этдик. Лойиҳани татбиқ этишда “Ўзсаноатқурилишбанк” катта жонбозлик кўрсатди. Муассаса томонидан ажратилган 1,5 миллион доллар ҳажмидаги хорижий кредит линияси ҳисобига Туркиядан илғор технологиялик мажмуа келтириб ўрнатдик.

Лойиҳанинг умумий қиймати 3 миллион доллар бўлиб, унинг 1,5 миллион доллари ташаббускорнинг ўз маблағи, 1,5 миллион доллар миқдоридagi сармоа эса “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки Бухоро минтақавий филиали молиявий қувватловидир. Корхонада 60 иш ўрни яратилди.

– Гранитларга ишлов бераётган махсус техникалар замонавий бўлиб, улар Туркиядан олиб келинган. – деди корхона директори Алишер Ражабов ўзА мухбири Зариф Комиловга. – Ишчи-ҳодимлар туркиялик мутахассислардан касб сирларини ўрганмоқда. Ишлаб чиқараётган гранит маҳсулотларимизнинг умумий ҳажми 120 минг квадрат метрга етади.

– Турк мутахассисларидан сир асрорларни ўрганиб бораётган, – деди цех устаси Асрор Аевзов. – Корхонада ишга тушганидан буён ишлайман. 4 миллион сўмгача маош оламан. Корхона томонидан иссиқ овқат, махсус кийим кечак бериллади.

Замонавий хориж дастгоҳлари ёрдамида ишлаб чиқарилаётган тайёр материаллар, аввало, вилоятда барпо этилаётган қурилиш иншоотларига етказиб бериллади. Маҳаллий эҳтиёждан ортиқ қисми хорижга экспорт қилинади.

Этиборлиси, ушбу технологиялар тўлиқ “яшил” мезонларга жавоб беради. Уларни қўллаш натижасида бир йилда 21 фозиз энергия самардорликка эришиш ва атропо-муҳитга 8 тонна миқдорда зарарли газ чиқишининг олдини олишга эришилади.

Гранит тошлари хом ашё базаси Пешку туманида, у ерда ўзимиз карьер ташкил қилганмиз, – деди Жамшид Жамиллов. – Бир кунда кондан 55 метр кубгача махсулот заводга келтирилади. Ишлаб чиқариш қувватимиз йилига 148 минг квадрат метр гранит маҳсулотларини ташкил этади. Кластер буйича 2-босқичдаги ишлар ҳам режалаштирилган. Лойиҳага кўра, яна шунча иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга ошириш кўзда тутилган.

Ички бозорда цемент нархи барқарорми?

Райҳона Хўжаева, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ёз – аксарият юртдошларимиз учун қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишнинг энг қулай палласи ҳисобланади. Бу пайтда кимдир янги иморатига тамал тошини қўйса, яна биров чала қолган биносини битказишга, бошқаси эса неча йилдан буён режалаштириб юрган таъмирлаш ишларига киришади.



Қурилиш-таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишида энг аввало, қурилиш материаллари муҳим эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Хусусан, энг муҳим қурилиш материаллари ҳисобланган цемент ҳам шулар жумласидандир. Талаб ортиши билан маҳсулот таннархи ҳам ўзгариб бориши барчага маълум. Бу борада, яъни, қурилиш материаллари нархларини барқарорлаштириш мақсадида бугунги кунда қандай ишлар амалга ошириляпти?

Асосий турдаги қурилиш материалларининг нархларини ички бозорда барқарорлаштириш мақсадида янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш муҳим омиллардан ҳисобланади. Ички бозорда қурилиш материаллари нархининг кескин ўсиб кетишини олдини олиш ва уларнинг нархини арзонлаштириш борасида ўтган даврда аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 июндаги 02/1-58-сонли топшириғи билан цемент маҳсулотини нархнинг кескин ўсиб кетишини олдини олиш мақсадида биржа савдоларида кулик режадаги 32 минг тонна ўрнига 40 минг тонна цемент қўйиш таъминланди. Шунингдек, биржа савдоларида бир ой муддатга кечиктирилган ҳолда цемент етказиб бериш буйича “форвард” савдо тури жорий этилиб, сотиб олинган цементни автомобиль транспортдан фойдаланган ҳолда оқлаб жўнатиш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартирилган.

Бундан ташқари, ички бозорда цемент нархи барқарорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги 450-сонли қарорини қабул қилиниб, импортдан цемент олиб кириш тартиби соддалаштирилган. Натижада, 2023 йилнинг 1-чорагида 327,3 минг тонна цемент импорт қилинган бўлиб, бу 2022 йилнинг мос даврига нисбатан импорт қилинган цементнинг 77,3 фозизини ташкил этган. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 февралдаги 74-Ф-сонли фармойиши билан, жорий йилда цемент ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансининг параметрлари тасдиқланган. Унга кўра, бу йил 17,0 млн тонна цемент ишлаб чиқариш ва шундан 7,6 млн тоннасини биржа савдолари орқали сотиш белгиланган.

Маълумотларга кўра, 2023 йилнинг биринчи чорагида жами 2,5 млн тонна цемент ишлаб чиқарилган. Бу даврда биржа савдоларида сотилган 515,4 минг тонна цемент истеъмолчиларга етказиб берилган. Бугунги кунда, биржа савдоларида 1 тонна цементнинг ўртача нархи 654,5 минг сўмни ташкил этиб, 6,0 фозизга кўпайган. 1 кв метр қурилиш ойнасининг нархи 47,5 минг сўмни ташкил этиб, 1,8 фозизга камайган.

2023 йил якуни билан йилига 5,8 млн тонна цемент ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Шунда республикамиздаги жами цемент ишлаб чиқариш қувватлари 32 млн тоннага етказилади.

Биржа савдоларида 1 тонна цементнинг ўртача нархи 654,5 минг сўмни ташкил этиб, 6,0 фозизга кўпайган.



Водийдаги БСКлар фаолияти ўрганилди

Райҳона ХЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева ҳамда мутахассислар томонидан кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд муаммолар, тизимни такомиллаштириш, аҳоли муаммоларини ўз вақтида бартараф этиш бўйича белгиланган вазифалар назоратини амалга ошириш мақсадида водий вилоятларида ўрганиш ишлари олиб борилди.



Хусусан, мутахассислар гуруҳи Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида бўлишти. Шаҳарда 3 183 та хонадондан иборат жами 91 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизга яқини 1991-йилгача қурилган. Мазкур кўп қаватли уйларга "Хонобод-Уйбод" бошқарув ташкилоти хизмат кўрсатиб келмоқда. Вазир ўринбосари шаҳар ҳокими Машъалбек Тожибоев, шаҳар прокурори Баходир Каримов ҳамда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамшидбек Бозорбоев билан соҳани ривожлантириш, мавжуд муаммолар ечимини ҳамда келгусида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларни муҳокама қилишди.

Шунингдек, 66 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи "Кўргонтепа уй-жой коммунал сервис" бошқарув ташкилоти фаолияти ҳам ўрганилди. Хусусан, мутахассислар компаниянинг янги қурилиб,

фойдаланишга топширилган биноси, диспетчерлик хизмати ҳамда аҳолига қўшимча сервис хизмат кўрсатиш турлари билан танишди. 15 нафар ишчи-ҳодимга эга мазкур бошқарув ташкилоти 2022 йилдан буён тумандаги барча кўп қаватли уйларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Қисқа вақт давомида уйларнинг фасад қисmini таъмирлаш, болалар ўйингоҳлари барпо этиш, кўп қаватли уйларда ноқонуний қурилмаларни бартараф қилиш бўйича қатор ишларни амалга оширган.

Андижон шаҳрида жами 844 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, унга бугунги кунда 5 та бошқарув сервис компанияси томонидан хизмат кўрсатиб келинади. Ўрганиш давомида 660 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи "Био-тех-сервис" бошқарув сервис компанияси бориб қўрилди. Бугунги кунда Андижон шаҳридаги энг салохиятли бошқарув компаниялар сирасига кирувчи бу ташкилот 2022 йилда фаолия-

тини бошлаб, компания учун янги офис биноси қуриш ҳамда кўп қаватли уйларни таъмирлаш-тиклаш учун жами 5 млрд сўм миқдорда инвестиция маблағи киритди. Ўрганиш давомида компания учун қурилаётган янги офис биноси, унда аҳолига хизмат кўрсатиш имкониятлари кўриб чиқилди. Қўшимча сервис хизматларини кўпайтириш ва тадбиркорликка кенг йўл очиб масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Андижон вилоятида 54 минг хонадондан иборат 1 922 та кўп квартиралар уй мавжуд бўлиб, 1 796 та кўп квартиралар уйга 20 та бошқарув ташкилоти томонидан хизмат кўрсатилади.

Ўрганиш ишлари Наманган шаҳридаги "Илғор" МФЙ Бобуршоҳ кўчасида жойлашган "Бобуршоҳ коммунал бошқарув" бошқарув сервис компаниясида ҳам олиб борилди. Иш бошлаганига икки ой бўлган ташкилот бугунги кунда 52 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Бошқарув ташкилоти раҳбарига энг аввало, ҳужжатлар билан тўғри ишлашни ўрганиш, аҳоли муурожаатларини ўз вақтида қайд этиб бориш, мулкдорлар олдига ҳисобдорлик мажбуриятини ҳис қилиш лозимлиги таъкидланди. Бунда бошқарув ташкилотлари вакилларини қайта ўқитиш, малакасини ошириш кераклиги айтилди.



Шунингдек, Наманган шаҳрининг "Сардоба" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 34 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи "Ином хизмат сервис" бошқарув компанияси фаолияти кўздан кечирилди. Мазкур уйларнинг 90 фоизи икки ва уч қаватли бўлиб, 1960 йилларда қурилган. Таъ-

кидлаш лозимки, уйларнинг техник ҳолатини сақлаш анчагина куч ва маблағ талаб этмоқда. Аммо мазкур ҳудудда ҳам аҳолининг тўлов қобилияти жуда паст. Маҳалладаги техник ҳолати яхши бўлмаган, маънан эскирган иккита уй реновация дастурига киритилган. Мазкур уйларнинг хавфсизлигини таъминлаш, электр симларини тартибга солиш бўйича бошқарув ташкилотига тегишли топшириқлар берилди.

Вазир ўринбосари бошчилигидаги мутахассислар коммунал соҳа, хусусан, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш тизимида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятида ҳам бўлишти. Дастлаб Фарғона шаҳрининг А. Навоий номи маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи "Саффор" консенсус коммунал бошқарув компанияси фаолияти ўрганилди. 2021 йилда ташкил топган компания бугунги кунда ҳудуддаги 42 та кўп қаватли уйга коммунал хизматлар кўрсатиб келмоқда. Жорий йил январь-май ойларида бошқарув компанияси томонидан 7 та кўп квартиралар уйнинг қисми жорий ва муқаммал таъмирланган. Ўрганиш давомида аҳолига 40 турдаги қўшимча маиший хизматлар кўрсатиб келаётган компаниянинг истиқболдаги режалари муҳокама қилинди. Бугунги кунда бо-

шқарув компанияси таркибидаги 2084 та хонадон "Менинг уйим" биллинг тизимида уланган. Бу орқали фуқароларга мажбурий бадал (квартплата) тўловларини онлайн амалга ошириш, тўловларнинг ишончли мониторингини автоматик кузатиб бориш имконияти яратилган.



Фарғона шаҳрининг Қирғули мавзесида жойлашган "Бек-аср сервис" БСК фаолияти ҳам ўрганилди. Ҳудуддаги 41 та кўп қаватли уйда жойлашган 1 620 та хонадонга хизмат кўрсатувчи компаниянинг диспетчерлик хизмати, моддий-техник базаси кўздан кечирилди. Вазир ўринбосари кўп қаватли уйлар атрофини ободонлаштириш, кириш йўлақлари ҳамда ертўла БСКларини тартибга келтириш бўйича БСК вакилларига топшириқлар берди.

Мутахассислар "Машъал" МФЙ ҳудудидаги кўп қаватли уйнинг ертўла қисмида ташкил этилган Микроорганик ўсимликларни етиштириш кооперацияси фаолиятини ҳам кўздан кечиришди. Эътиборлиси, кўп қаватли уйларнинг 60 кв

метр ертўла қисмида тадбиркор Тоҳиржон Абдусаматов томонидан 15 та иш ўрни яратилган. Лойиҳа қиймати 250 млн сўм бўлиб, шундан 150 млн сўм тадбиркорнинг ўз маблағи, 100 млн сўм эса имтиёзли кредит ҳисобига тўғри келади.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 117 минг хонадондан иборат 3 722 та кўп квартиралар уй мавжуд бўлиб, уларга 55 та бошқарувчи ташкилотлари томонидан хизмат кўрсатилади.

Ўрганиш ишлари давомида камчиликларни бартараф этиш бўйича берилган тавсиялар тез орада ўз самарасини бериб, ҳудудлардаги кўп қаватли уйлар ва уларга хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари фаолияти янада такомиллашади, деган умиддамиз.



ЎЗГАРИШЛАРНИНГ БАРЧАСИ ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Наргиза МИРЎҚУБОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртимизда барча жабҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар, энг аввало, инсон қадри учун тамойили асосида амалга оширилмоқда. Хусусан, Наманган вилояти Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси томонидан сўнгги йилларда соҳада олиб борилаётган ишларнинг қўлами кенгайиб бормоқда.

Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар ушбу соҳани муқаммал бўлишини, хонадонлар кириш йўлақлари, уйларнинг ташқи фасади, болалар майдончаси, шунингдек, таъмирлаш ободонлаштириш ишларида ва бошқа хизматларни кўрсатишда қўлайлиқ ва зарур шарт-шароитлар яратилишини истади. Айни шу мақсадда Наманган вилоятида фаолият юритиб келаётган бошқарув сервис компаниялари иш фаолиятида аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб иш ташкил этиляпти.

Бугунги кунда вилоятдаги 36 та бошқарув сервис компаниялари 1 576 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур уйларда яшовчи фуқароларга қўлайлиқлар яратиш, уй-жой мулкдорларига сифатли хизмат кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида соҳага хусусий сектор вакилларини жалб этиш тажрибаси қўл келмоқда. Тадбиркорлар ўзларига бириктирилган кўп қаватли уйларга 30 хилдан ортқ хизмат турларини кўрсатиб келишмоқда.

Сўнгги йилларда вилоятда бир қанча бошқарув сервис компаниялари ташкил этилди, деди Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муроджон Сотволдиев. - 1 минг 576 та кўп қаватли уйларни авваллари 3-4 та кўп қаватли уйларни уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқарган бўлса, ҳозирги кунда 100 тадан 150 тагача энг ками билан 15-20 тагача кўп қаватли уйларни алоҳида БСКлар бошқариб келади. Компанияларнинг алоҳида раҳбари, ишчи-ҳодимлари дастурлар ижросини таъминлаб келишмоқда. Жумладан, барча кўп қаватли уйларни бошқарув сервис компаниялари 100 фоиз қамраб олган бўлиб, улар томонидан 40 хил турдаги хизмат кўрсатиш бошланган. Жойларда компанияларнинг иш самарадорлигини ошириш борасида

турли семинарлар ўтказиб келинмоқда. Компанияларнинг иш фаолиятини ташкил этишда асосан, аҳолини турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, кириш йўлақлари, электрдаги носозликлар бошқарув сервис компаниялари томонидан бартараф этилмоқда. Бугунги кунда компаниялар томонидан ташқи фасадлар таъмирлаш, ёз фасли бўлгани учун кириш йўлақларига янгидан бетон ётқизиш ишларини амалга ошириш, лотокларни тўғрилаш, подъезддаги эшиклар ва фрамуга ойналарини тўғрилаш ишлари бажарилиб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолидан бошланган.

Вилоятдаги барча БСКлар томонидан кейинги йилларда кўп қаватли уйларда тўпланиб қолган муаммолар хал этиляпти. Биргина Давлатобод туманида бугунги кунда 7 та БСК 152 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиб келмоқда. "Фаёзбек-Нигина" БСК 2022 йилда фаолиятини 3 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишдан бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб, "Тўқувчи", "Мустақиллик", "Навабахор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 100 дан ортқ уйларга хизмат кўрсатяпти. Шу вақтга қадар мазкур уйларга 40 дан ортқ хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари қараган эди. Эндиликда уларга Ўзғунор Полвонова раҳбарлик қилаётган "Фаёзбек-Нигина" БСК 20 турдан ортқ хизматларни кўрсатиб келмоқда. Компанияда ҳозирги кунда 20 нафар ишчи-ҳодимлар фаолият юритади. Улар яхши моддий-техник базага эга махсус техникалар билан таъминланган.

"Фаёзбек-Нигина" БСК 2022 йил январда ташкил топган бўлиб, дастлаб 3 та кўп-қаватли уйлардан иш бошлаганини, деди компания раҳбари Зулҳумор Полвонова. - Бугунги кунда 103 та уй-жойларга хизмат кўрсатяпти. 2022 йил давомида 180 та кириш йўлақларининг фрамуга ой-



наларини алмаштирдик. Қарамогимиздаги уйларнинг 2 890 квадрат метр том қисми таъмирдан чиқарилди. Қаровсиз қолган 40 тага яқин кириш йўлақлари таъмирланди. 8 та уйларнинг ертўла қисмларидаги коммуникация тизимлари соз ҳолатга келтирилди. 10 та уйда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, ушбу ҳудудлар бегона ўтлардан тозаланиб, кўкчаларозлаштирилди. Қаровсиз қолган жойлар шартнома асосида фуқароларга бириктириб берилди. Ҳозирги кунда кўп қаватли уйлардаги том қисмларини, канализация, оқова суви, ичимлик суви қуворларида таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. 2023 йилда 3 та кўп қаватли уйни фасад қисми 4 та кириш йўлақлари, 5 та уйнинг том қисми таъмирланиб, 10 та кўп қаватли уйларни жорий таъмирдан чиқариш режалаштирилган. Булардан ташқари яна 15 та уйнинг фасад қисмлари ҳамда 30 дан ортқ кириш йўлақлари таъмирланди.

Айтиш жоизки, БСК томонидан аҳоли маблағлари ҳисобидан 25 та кўп қаватли уйнинг том қисми муқаммал таъмирланди. Айни кунларда ҳам компания ходимлари томонидан уйларнинг ташқи фасадларига ранг бериш, йўлақларни таъмирлаш, ер участкаларини бегона ўтлардан тозалаш

каби юмушлар олиб боришмоқда. Бугунги кунга қадар 45 та кўп қаватли уйларнинг электр кабеллари янгисига алмаштирилди. 35 та хонадон ичидаги тик оқова қувор ҳамда сув қуворлари муқаммал таъмирланди. 99 та уйнинг ертўласи тозаланиб, ҳашарот ва касалликларга қарши дезинфекция қилинди. 20 та уйларга ақли чироклар ўрнатилди. 3 та кўп қаватли уйларнинг 112 та фрамуга ойналари янгиланди. Олиб борилаётган ободонлаштириш ва ўзгаришлардан аҳоли мамнун.

Шу ҳудудда 5 йилдан бери истиқомат қиламан, деди Салима Обидова. - Уйимизнинг аввалги ҳолати жуда ёмон аҳволда эди. Уйларимизни таъмирлаб, фасад қисмларини ҳам соз ҳолатга келтиришди, компания ишчи-ҳодимларига миннатдорчилик билдираман. Биз фуқаролар бундай эзгу ишлардан жуда мамнуним.

Компанияда доимо иш қизғин. Боиси аҳолидан келиб тушаётган муурожаатларни зудлик билан хал этиш, авария ҳолатлари ва носозликларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида махсус бригадалар фаолият юритмоқда. 24 соат мобайнида диспетчерлик хизмати муурожаатларни қабул қилиб, муаммоларни йўналиши бўйича ишчиларга етказди. Маъсум ходимлар тезкор ва сифатли иш бажардилар. Бу эса

ҳудуд аҳолисининг узоғини яқин, огирини енгил бўлишида муҳим омил бўлмоқда.

Бошқарув сервис компаниясига ўтгандан бери кўп қаватли уйларимиз таъмирдан чиқди, деди Ҳабибулло Акбаров. - Уйлар олдига болалар ўйингоҳлари қурилди, йўллар таъмирланди. Том қисмлар, кириш йўлақлари соз ҳолатга келтирилди. Компания ишчилари кўп қаватли уйларнинг олди йўлақларини обод ҳолатга келтиришди. Бугунги кунда ҳам таъмирлаб уйларнинг яшиланиши борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ойнаси йўқ ронларга ойналар ўрнатилди. Эшиклар ҳам янгисига алмаштирилиб, арик ва лотоклар озода ҳолга келтирилди. Бу каби ишлардан бир маҳалла аҳли хурсандимиз.

Яна бир эътиборли жиҳати, компания аҳоли бандлигини таъминлашга, уларнинг даромадини оширишга, қолаверса, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда кўп қаватли уйлар атрофидаги бўш ер майдонларидан самарали фойдаланиш учун фуқароларга амалий кўмак бериб келмоқда. Масалан, Жамолиддин Турев ўзи истиқомат қилаётган кўп қаватли уйнинг атрофидаги 3 сотих ер майдонидан самарали фойдаланиш мақсадида компанияга муурожаат қилди ва бу масала қонуний қўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Кафтдек келадиган ушбу жойда 20 турдан ортқ манзарали ва мевали дарахтлар парваришланмоқда. Шунингдек, бу ерда помидор, бодиринг ҳамда бақлажон махсулотлари ҳам етиштирилмоқда.

Ҳар бир инсон ўз ҳудудини мана шундай обод қилиб, деҳқончилик билан шугулланса ҳамма учун фойдали бўлади, деди хусусий тадбиркор Жамолиддин Турев. - Бизга ажратилган 3 сотих ердан унумли фойдаланиш мақсадида турли сабзавот махсулотларини экдик, бундан ташқари, товۇқ, бедана ва бошқа қушлар парвариш қилинади. Ҳар куни товۇқлардан 3 тадан тухум оламан. Ҳозир ернинг маълум қисмига енгил тилдаги бино қуриб, у ерга тикув машиналари ўрнатиб тикув чеҳи очишни режа қилган. Бу билан маҳаллаимизда бўш ўтирган хотин-қизларнинг ҳам иш билан таъминлашга ҳиссамиз қўшилиди. Мазкур цехнинг буюртмаларини аёлларимиз шу ернинг ўзиде тикиб, етказиб беришлар ҳам оилаларига даромад бўлади, ҳам ўзлари бўш қолмайдилар.

Давлатобод туманида фаолият юрита-

ётган барча бошқарув сервис компаниялари аҳолининг коммунал хизматларини замонавий ва қўлай тарзда бажариши учун зарур техникалар билан жиҳозланган. Масалан, тумандаги 5- ва 6-кичи туманларга хизмат кўрсатиб келаётган "Строй профессионал" МЧЖ ҳам ҳудуддаги кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларга коммунал хизмат кўрсатишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бугунги кунда мазкур компания 44 та 4 қаватли уйларга 2 409 та хонадонга хизмат кўрсатади. Эътиборли жиҳати, ҳар бир хонадон эгаси билан шартнома тузиш асосида 20 турдан ортқ сервис хизматлари кўрсатилади. Бунинг учун қорхона зарур техника ва ускуналар билан таъминланган. Ҳудуддаги кўп қаватли уйларга 24 соат мобайнида тезкор хизмат кўрсатилади. Айни кунларда аҳолидан келиб тушаётган муурожаатлар бўйича кўп қаватли уйларнинг кўрсатилади. Бунинг учун қорхона зарур техника ва ускуналар билан таъминланган. Ҳудуддаги кўп қаватли уйларга 24 соат мобайнида тезкор хизмат кўрсатилади. Айни кунларда аҳолидан келиб тушаётган муурожаатлар бўйича кўп қаватли уйларнинг кўрсатилади. Бунинг учун қорхона зарур техника ва ускуналар билан таъминланган. Ҳудуддаги кўп қаватли уйларга 24 соат мобайнида тезкор хизмат кўрсатилади.

БСК 2022 йилда ташкил топган бўлиб, бугунги кунга қадар 48 та кўп қаватли уйларни қамраб олганмиз, деди компания раҳбари Раҳматжон Сайфуллоев. - 2 462 та абонент биллинг дастурига киритилган. 2022 йилда бизга қаршли уйларнинг 3,5 минг квадрат том қисми соз ҳолатга келтирилди. Шундан 534 та квартира эгаларининг аризасига асосан 2 та том таъмирланди. Бизга келиб тушган муурожаатлардан сўнг 400 квадрат метр канализация қуворлари янгисига алмаштирилди. Шундан 3 та кўп қаватли уйлар муқаммал қолганлари жорий таъмирланди. Бугунги кунда БСК томонидан 20 турдан ортқ хизмат турлари кўрсатиб келинади. 2023 йилнинг ўзиде 3 та уйнинг фасад қисмларига ранг берилиб, 15 дан ортқ кириш йўлақлари травертин қилинди. 4 та уйларни муқаммал таъмирлаш ишлари режага киритилган. 20 дан ортқ подъездларнинг кириш йўлақларини таъмирлашни мақсад қилинган.

Мухтасар қилиб айтганда, Наманган вилоятида ҳозирги сервис компаниялари томонидан олиб борилаётган ишларнинг таг замирида инсон қадрини улуғлаш, муаммоларини ўз ўрнида сифатли бажариш, аҳолидан келиб тушаётган муурожаатлар сонини кескин қамайтириш каби эзгу мақсадлар мужассам.

СИРДАРЁДАН ДАРАКЛАР

Қурилиш материаллари бўйича семинар

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Гулистон шаҳридаги 1-сонли Муסיқа ва санъат мактабида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳоқимлигининг масъул ходимлари ҳамда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошчилигида ҳудудларда замонавий қурилиш технологиялари, янги турдаги қурилиш материаллари бўйича семинар бўлиб ўтди.



Унда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи компаниялар ўзларининг маҳсулотлари, жумладан, полиэтилен қувурлари, экскаватор ва бошқа турли хил техникалар, дераза ромлари ҳамда оқова сувларини филтрловчи қурилмаларнинг сифати ва яроқлилик мuddатлари ҳақида тушунтириш беришди. Хусусан, экскаватор ишлаб чиқарувчи компаниядан харид қилинган техникани қурувчи томонидан ишлатилаётган даврда унга шикаст етган тақдирда компания томонидан сервис хизмат кўрсатилиши таъкидланди.

Шунингдек, семинарда марказий оқова сув тармоқлари (канализация) мавжуд бўлмаган ҳудудларда ишлатишга қулай бўлган филтрловчи ускуна ҳақида ҳам тушунтириш берилди. Хусусан, оқова сув тармоқлари бўлмаган ҳудудларда асосан аҳоли томонидан қовланган чуқурга сув туширилади. Ушбу филтрловчи ускуна чуқур қовлаб ўрнатилади ва аҳоли фойдаланган сув филтрланиб, экинларни суғорса бўладиган ҳолатга келтирилади. Ушбу филтрловчи ускуна 80-90 фоиз сувни тозалаб бериши мумкин ҳамда унинг яроқлик мuddати 3 йил.

Мутахассислар иштирокида профилактик суҳбат

“Худудгаз Сирдарё” газ таъминоти филиалининг Моддий ресурслардан оқиллона фойдаланиш ва коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш ҳамда Кадрларни бошқариш бўлимлари масъул ходимлари томонидан Сардоба, Оқолтин, Ховос туманлари ва Янгиер шаҳридаги газ таъминоти бўлими раҳбар-ҳодимлари иштирокида профилактик суҳбат ўтказилди.

Унда жамоа ходимлари иштирокида газ таъминоти тизимида олиб борилган рейдлар ва аниқланган ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликка тортилган ҳолатлар акс этган видеоролик намойиш этилди. Шу билан бирга, ходимлар ноқонуний коррупцион ҳолатлар содир этганда қонун олдида қатъий жавобгарлик белгиланиши ҳақида огоҳлантирилди.

Сардобада қуёш фотоэлектр станцияси

“Сардоба универсал кластер” га қарашли Қўшчинов ва Вахмал хўжаликларига Франциянинг “Votalia” компанияси билан қуввати 20 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қуриш бўйича келишувга эришилди.

Қурилиш майдони 20 гектарни ташкил этган лойиҳанинг умумий қиймати 50 млн АҚШ долларига тенг деб баҳоланмоқда. Эътиборли жиҳати, қуёш панеллари орасида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш мумкин.

Айни вақтда компания вакиллари лойиҳани амалга ошириш бўйича дастлабки ҳисоб-китоб ишларини олиб боришмоқда. Келгусида вилоятда фаолият юритаётган қолган агрокластерлар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ҳам назкур амалиёт босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилди.

Элобод маҳалласида темир-бетон устунлар ўрнатилди

Президентимизнинг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 408-сонли қарорига асосан, электр тармоқларини қуриш ва реконструкция ишлари доирасида “Худудий электр тармоқлари” АЖ Сирдарё худудий филиали томонидан Элобод маҳалласида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 100 дан ортиқ темир-бетон устунлар ўрнатилиб, 3,3 километр масофага СИП 2 ва 3 километр СИП 4 тармоқлари қурилди. Шунингдек, ушбу маҳаллага 1 донга 160 кВА қувватдаги трансформатор ўрнатилди. Жорий йилнинг 3-чораги якунига қадар Элобод маҳалласидаги қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунланиши ражалаштирилган.

Ёшларга кўмак

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Азиз Худайназаров бошчилигида ишчи гуруҳ тузилиб, бошқарма бошлиғи Сирдарё туманидаги Баҳор маҳалласида истиқомат қилувчи “Ёшлар дафтари” да рўйхатда турувчи ва ишлашга лаёқатсиз, ногиронлиги мавжуд ёшлар билан яқиндан суҳбатлашган эди.

Ишчи гуруҳ билан тегишли “Йул харитаси” ишлаб чиқилиб, ёшларга кўмаклашиш ва белгилаб олинган вазифалар ижросини таъминлаш бошлаб юборилди. Хусусан, бошқарма бошлиғи томонидан Баҳор маҳалласининг Беруний кўчасидаги 34-уйда истиқомат қилувчи Суннатилла Тулагановга уй-жойларини таъмирлаш учун турли хилдаги қурилиш материаллари олиб берилди.

ХОРАЗМДАН ДАРАКЛАР

Янги уйлар фойдаланишга топширилмоқда

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугунги кунда республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларига борган киши катта қурилишлар гувоҳи бўлади. Осмонўпар ва салобатли биноларнинг қурилиши албатта, халқимизни рози қилиш, уларга яхши шароит яратиш бериш мақсадида қилинаётганлигини қалбдан ҳис қилади. Зеро, Амир Темур бобомизнинг “Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсангиз, биз қурган иморатларга боқинг” деган ибратомуз сўзи хаёлингизга келади.

Бу борада Хоразм вилоятида ҳам кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Бугунги Хоразм замонавий бинолари билан янада чиroyли ва янада кўркли. Биргина Урганч шаҳрининг ўзида қуриляётган бинолар салобати ва чиroyлилиги билан кўрган кўзни қувонтиради.

Ушбу жорий йилда вилоятда қандай ва қанча миқдорда уй-жойлар қурилмоқда? Бугунги кунда вилоятда 19 та йирик (2 157 та кичик) қурилиш ташкилоти ва 5 та қурилиш кластери фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда вилоят бўйича 6 711 та хонадонли 242 та уй қуриш режалаштирилган. Шундан, 187 та 5226 та хонадонли кўп қаватли турар жойлар уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда ҳамда 55 та 1305 хонадонли турар жойлар “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилади. Жумладан, “Ал-Хоразмий” мажмуасида 27 та 709 та хонадонли, Янгиарик туманида 9 та 180 хонадонли, Хонка туманида 13 та 296 хонадонли, Тупроққалъа туманида 6 та 120 хонадонли уйлар қурилмоқда.



Хусусан, жорий йилнинг ҳозирги кунига қадар, Урганч шаҳар Навбахор маҳалласи ҳудудида 50 хонадонли битта 5 қаватли уй “Нур баҳор сервис” МЧЖ томонидан қуриб, фойдаланишга топширилган. Шу қурилиш ташкилоти томонидан яна шундай 5 қаватли 45 хонадонли уйлар ўз эгаларига топширилиш арафасида.

Трансформаторлар таъмирланмоқда

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Хоразм вилояти филиали томонидан электр истеъмолчиларига қишнинг изғирин кунлари ҳам, ёзнинг жазирамасида ҳам узлуксиз электр энергияси етказиб бериш мақсадида мавжуд эскириб қолган трансформаторларни янгисига алмаштириш, баъзиларини мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Ҳазорасп туман электр таъминоти ходимлари томонидан Қовунчи маҳалласидаги истеъмолчиларини узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш ҳамда электр энергиясини ёз мавсумида истеъмолчиларга бир маромада етказиб бериш мақсадида маҳалла ҳудудидаги 7404-сонли трансформатор пунктдаги мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Туманнинг Обод маҳалласида жойлашган 7404-сонли трансформатор пунктдагидаги

носоз ускуналар ҳам янгисига алмаштирилди. Шовот туманида жойлашган “Ҳаваскор” 110/10 кВли подстанциясида юзага келиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш мақсадида электр ускуналар кўридан ўтказилди ҳамда подстанция атрофи тартибга келтирилиб, мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Богот туманида жойлашган “Дўсов” 35/10 кВли подстанциясидан чикувчи марказ фиде-

рининг ҳаво тармоғидаги эски электр ускуналари янгисига алмаштирилиб, мукамал таъмирланди. Янгибозор туманидаги Хамид Олимжон маҳалласида жойлашган 11205 ва 11155-сонли трансформатор пунктларида Янгибозор туман электр таъминоти ходимлари томонидан мукамал таъмирланмоқда. Ушбу мукамал таъмирлаш ишлари орқали 126 та хонадон аҳолиси ҳамда 24 та юридик истеъмолчиларнинг электр таъминоти янада яхшиланади.

Ҳарбийлар учун замонавий уйлар

Тупроққалъа туманида замонавий кўринишдаги чегара пости қуриб, фойдаланишга топширилди. Сўнгги йилларда ҳарбий соҳага кириб келаётган рақамли технологиялар ҳарбий хизматчиларнинг иш фаолиятида кўпгина қулайликлар яратади.



Бунга мисол қилиб, Урганч шаҳридан қарийб 200 километр узокликдаги Тупроққалъа туманининг чегара ҳудудида давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари учун қурилган чегара пости ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун бунёд этилган 36 та хонадонли кўп қаватли турар жойларни айтиш мумкин.

Ушбу мажмуанинг қиймати 21 миллиард сўм бўлиб, унинг очилиш тадбири ўзига хос тантанага айланди. Янги бинода чегарачиларнинг ўз хизмат

вазифаларини бажаришлари учун барча шароит яратилган. Шунингдек, янгидан барпо этилган турар жойлардаги кўркамлик ва қулайлик тадбирга тулланганларнинг эътирофига сазовор бўлди. Шинам ётоқхона, маънавият хонаси, кутубхона, спорт зали, ошхона ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ихтиёрида. Мажмуа ақинида ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртолқари иш билан банд бўлиши учун тикувчилик ва қандолатчилик цехи ҳам қуриб ишга туширилди.

Иш ўринлари яратилмоқда

Шовот туманидаги Бўйрачи маҳалласида “Адоритек” МЧЖ томонидан яна бир ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Янги корхонанинг очилишига бағишланган тадбирда вилоят ҳоқимлиги вакиллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Лойиҳани амалга ошириш учун 1,5 млн АҚШ доллари миқдорда инвестиция йўналтирилиб, 250 та янги иш ўрни яратилди. Назкур корхонада кунига 10 минг донга тайёр трикотаж маҳсулотини ишлаб чиқарилади. Корхонада йилга 2 млн донга тайёр трикотаж маҳ-

сулоти ишлаб чиқариш ва унинг 2,5-3 млн АҚШ долларлик қисмини экспорт қилиш режалаштирилган. Ҳозирданок Россия ва Туркия каби давлатларга маҳсулот экспорт қилиш учун шартномалар имзоланмоқда. – Корхонамизнинг ишга тушган биринчи босқичида 250

нафар иш ўрни яратган бўлса, иккинчи босқичининг ишга тушиши билан яна шунча иш ўрини яратишни режалаштирармиз, – деди корхона раҳбари Шерзод Олимов. – Иш билан таъминланган маҳаллий хотин-қизларга туркиялик мутахассислар иш ўргатишмоқда.

Кўргазмали семинар ташкил этилди


Бугунги кунда Хоразм вилоятида 39 мингдан зиёд хонадонни бирлаштирган 1731 та кўп квартирали уй мавжуд. Хоразм вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ташаббуси билан Урганч шаҳрида кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатиш соҳасида намунали иш юритиш тизими бўйича кўргазмали семинар ташкил этилди.

Семинарда Хоразм вилоят ҳокими ўринбосари, идора ва ташкилот раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, туман ва шаҳарлардаги бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этишди. Ийгилиганлар Урганч шаҳридаги “Хумоюн Мирзо хизмат кўрса-

тиш” БСК томонидан амалга оширилаётган ишлар, хусусан, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда уй-жой фондини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, ишчи-ҳодимларга яратилган шароитлар, аҳоли муурожаатлари билан ишлаш тизимига оид кўплаб маълумотларга эга бўлди.

Мавсумга тайёргарлик авжида

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Сирдарё худудий филиали томонидан барча туман ва шаҳар электр таъминотлари томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва жорий таъмирлаш ишларини ўз мuddатида бажарилиши бўйича зарурий чоралар кўрилмоқда.



Янгиер шаҳар электр таъминоти томонидан “Бобур” фидерида жойлашган қуввати 250 кВА бўлган 216-сонли трансформатор пункти мукамал таъмирдан чиқарилди. Қолаверса, йил бошидан буён Янгиер шаҳридаги 8 донга трансформатор пункти ва 18 км электр узатиш тармоқлари мукамал таъмирланди. Белгиланган режага қўра, Янгиер шаҳрида электр узатиш тармоқларини қуриш ва трансформатор пунктларини жорий ҳамда мукамал таъмирдан чиқариш ишлари давом этмоқда.

Сайёр қабул бўлиб ўтди

Гулистон шаҳрининг Навбахор маҳалласида вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари томонидан фуқароларни қийнаб келаётган муаммолар ва берилган тақлифларни ўрганиш мақсадида сайёр қабул ўтказилди.



Сайёр қабулда фуқаролардан 27 та муурожаат келиб тушди. Муурожаатлар асосан, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан марказий оқова сув тармоқлари, кириш йўлаклари, уйларнинг чўкиши ва яроқсиз ҳолатга келаётганлиги ҳақида бўлди. Сайёр қабул давомида фуқаролар томонидан йўлланган муурожаатлардан 17 тасига тушунтириш берилди. Унга қўра, эскирган кўп қаватли уйларни Реновация дастурига киритилганлиги ҳамда уларни босқичма-босқич бузиб, янги уй-жойлар қурилиши айтилди.

Шу билан бирга, марказий оқова сув тармоқларида юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича “Сувтаъминот” МЧЖга тегишли кўрсатмалар берилди.

"KOSON YOG'-EKSTRAKSIYA" AKSIYADORLIK JAMIYATI

AKSIYADORLARI DIQQATIGA!

"Koson yog'-ekstraksiya" AJ aktsiyadorlarining navbatdagi yillik umumiy yig'iliши 2023 йил 30 июнь куні соат 11.00 дан бошлаб Косон шаҳри, Бухоро йули кўчаси, 1-уйда ("Koson yog'-ekstraksiya" AJ мажлислар залида) ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

- Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркиби ҳамда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
- 2022 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- 2022 йил якуни бўйича жамият бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.
- Тафтиш комиссиясининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
- Тафтиш комиссиясининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
- 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган соф фойда (зарар)ни тақсимлаш.
- Жамиятнинг 2023 йил учун тузилган бизнес-режаси ва даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
- Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш.
- Жамият тафтишчисини сайлаш.
- Жамият бошқаруви раисини тайинлаш.
- Жамият бошқаруви аъзоларини тайинлаш.
- Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
- Жамиятда 2023 йил учун тафтиш аудиторлик текширувчи ўтказишга аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
- Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини муσταқил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
- Корхонани хомашё билан таъминлаш ҳамда айланма маблағни тўлдириш мақсадида тижорат банкдан 60 млрд сўм кредит олиш билан боғлиқ йирик битимни тасдиқлаш.

16. Жамиятнинг умидсиз дебитор ва кредитор қарзларини қонунда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш.

17. "Koson yog'-ekstraksiya" AJнинг Қарши шаҳар "Деҳқон озиқ-овқат бозори" АЖ, АТБ "Агробанк"нинг Косон филиалида бўлган улуши (акциялари) ҳамда Қарши шаҳар "Ерқўрғон деҳқон озиқ-овқат бозори" АЖда мавжуд бўлган улуш (акция)ларни "Koson yog'-ekstraksiya" AJнинг 92,84 фоиз улушига эгаллик қилувчи йирик таъсисчиси бўлган "PRIMEBURY TRADE LLP" масъулияти чекланган жамиятига ҳада қилиш.

18. "Koson yog'-ekstraksiya" AJ билан "Qarshi yog'-ekstraksiya" AJ ўртасида 2022 йил 4 августдаги 39-сонли тузилган қарз шартномасига асосан берилган қарз суммасини қарз олувчи фойдасига воз кечиш.

19. "Koson yog'-ekstraksiya" AJ, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва "PRIMEBURY TRADE LLP" МЧЖлар ўртасида 2020 йил 5 майда тузилган 3295-сонли шартномага асосан инвестиция мажбуриятлари ҳисобдан киритилган маблағ (материал, эҳтиёт қисм)ларни жамият харажатига йўналтириш.

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестри 2023 йил 8 июнь ҳолатига тузилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2023 йил 22 июнь ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2023 йил 30 июнь куні соат 10.00 дан бошлаб юқоридаги манзилда амалга оширилади.

Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакиллари эса қўшимча белгиланган тартибда ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материал)лар билан танишиш учун жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизматида мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Косон шаҳри, Бухоро йули кўчаси, 1-уй.
Тел.: 75-592-47-47.
E-mail: kosonyog@mail.ru

"QARSHI YOG'-EKSTRAKSIYA" AKSIYADORLIK JAMIYATI

AKSIYADORLARI DIQQATIGA!

"Qarshi yog'-ekstraksiya" aktsiyadorlik jamiyati aktsiyadorlarining navbatdagi yillik umumiy yig'iliши 2023 йил 30 июнь куні соат 15.00 дан бошлаб Қарши шаҳри, А. Навоий шохкўчаси, 1-уй манзилида (жамият мажлислар зали) ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

- Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркиби ҳамда умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
- 2022 йилда жамият бизнес-режасининг бажарилиши ва молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- 2022 йил якуни бўйича жамият бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.
- Тафтиш комиссиясининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
- Тафтиш комиссиясининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
- 2022 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган соф фойда (зарар)ни тақсимлаш.
- Жамиятнинг 2023 йил учун тузилган бизнес-режаси ва даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
- Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини сайлаш.
- Жамият тафтишчисини сайлаш.
- Жамият бошқаруви раисини тайинлаш.
- Жамият бошқаруви аъзоларини тайинлаш.
- Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
- Жамиятда 2023 йил учун тафтиш аудиторлик текширувчи ўтказишга аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
- Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини муσταқил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
- Корхонани хомашё билан таъминлаш ҳамда айланма маблағни тўлдириш мақсадида тижорат банкдан 60 млрд сўм кредит олиш билан боғлиқ йирик битимни тасдиқлаш.

16. Жамиятнинг умидсиз дебитор ва кредитор қарзларини қонунда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш.

17. "PRIMEBURY TRADE LLP" масъулияти чекланган жамиятнинг 2023 йил 9 мартдаги хати муҳокама.

18. Жамиятнинг қардорлиги ҳисобига жамиятнинг ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган мол-мулкларни тегишли тартибда ҳисоблаб бериш.

19. "Qarshi yog'-ekstraksiya" AJнинг Қарши шаҳар "Деҳқон озиқ-овқат бозори" АЖ, АТБ "Савдогарбанк" Қашқадарё филиали, "Сирдарё Агро" МЧЖ ва Қарши шаҳар "Ерқўрғон деҳқон озиқ-овқат" бозори АЖда мавжуд бўлган улуш (акция)ларини "Қарши ёғ-экстракция" АЖнинг 92,80 фоиз улушига эгаллик қилувчи йирик таъсисчиси бўлган "PRIMEBURY TRADE LLP" масъулияти чекланган жамиятига ҳада қилиш.

20. "Qarshi yog'-ekstraksiya" AJ, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва "PRIMEBURY TRADE LLP" МЧЖлар ўртасида тузилган 2020 йил 5 майдаги 3296-сонли шартномага асосан инвестиция мажбуриятлари ҳисобдан киритилган маблағ (материал, эҳтиёт қисм)ларни жамият харажатига йўналтириш.

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш учун акциядорлар реестри 2023 йил 8 июнь ҳолатига тузилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2023 йил 22 июнь ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2023 йил 30 июнь куні соат 13.00 дан бошлаб юқоридаги манзилда амалга оширилади.

Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакиллари эса қўшимча белгиланган тартибда ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материал)лар билан танишиш учун жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизматида мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Қарши шаҳри, А. Навоий шохкўчаси, 1-уй.
Тел.: 75-223-41-70.
E-mail: qarshimez@mail.uz

"NEFT VA GAZ ISHLAB CHIQARISHNI TA'MIRLASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

AKSIYADORLARI DIQQATIGA!

2023 йил 27 июнь куні соат 9.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, "Сарик" МФИда жойлашган "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг маъмурий биносидан "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг 2022 йил якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2023 йил 26 июнь ҳолатига тузилади.

УМУМИЙ ЙИГИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJ акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJ акциядорлари умумий йиғилиши саноқ комиссиясининг миқдори ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг 2022 йилги молия-хўжалик йили якуни бўйича бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича бошқарув раисининг ҳисоботи.
- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг 2022 йил якуни бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг 2022 йил якуни бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган ташқи аудит ҳулосасини тасдиқлаш.
- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг 2022 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.
- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJ бошқаруви раиси билан тузилган ишга ёллаш шартномасини бир йилга узайтиришни тасдиқлаш.
- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJ Кузатув кенгашини сайлаш.
- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг 2023 йил учун тузилган бизнес-режасини тасдиқлаш.
- "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолиятини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизмат ҳақини белгилаш.

13. "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

14. "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJ Кузатув кенгашига тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш.

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотлар билан жамият бухгалтериясида танишиш мумкин.

Тел.: +99897-556-71-99.
E-mail: aomubarekng@mail.uz
Эслатна: умумий йиғилишда иштирок этадиган акциядорлар ўзлари билан паспорт, вакиллар эса паспорт ва нотариал тасдиқланган ишончнома олишлари шарт.

"Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг 2022 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот

№	Кўрсаткич номи	Сўёт	Актив
1.	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати	010	4 817 915
2.	Асосий воситаларнинг эскириши	011	2 215 710
3.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	012	2 602 205
4.	Қимматли қоғозлар	040	10 840
5.	Капитал қўйилмалар	100	
6.	Ишлаб чиқариш захиралари	150	72 410
7.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	160	
8.	Тайёр маҳсулот	170	
9.	Келгуси давр харажатлари	190	2 243
10.	Дебиторлар	210	493 634
11.	Ҳисоблашиш сўетидаги пул маблағлари	340	
	Актив бўйича жами		3 181 332

№	Кўрсаткич номи	Сўёт	Пассив
1.	Устав жамғармаси	410	581 036
2.	Қўшилган капитал	420	
3.	Захира капитал	430	1 124 822
4.	Тақсимланмаган фойда	450	749 482
5.	Мақсадли тушумлар	460	18 174
6.	Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами	490	
7.	Кредиторлар	600	707 818
	Пассив бўйича жами		3 181 332

№	Молиявий натижалар	Сўёт	Даромадлар	Харажатлар
1.	Маҳсулот ва товарларни сотишдан соф тушум	010	1 395 967,61	
2.	Сотилган маҳсулот(товар)ларнинг таннарихи	020		424 745
3.	Маҳсулот ва товарларни сотишнинг ялпи фойдаси	030	971 222,61	
4.	Давр харажатлари, жами	040		966 199
7.	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	220	5 023,61	
8.	Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда	240	5 023,61	
9.	Фойда солиғи	250		753,54
10.	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	270	4 270,07	

Акциядорлар умумий йиғилиши Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, "Сарик" МФИда жойлашган "Neft va gaz ishlab chiqarishni ta'mirlash" AJнинг маъмурий биносидан ўтказилади.

Баланс кўрсаткичлари ва молиявий натижалар "NEW GLOBAL PROFESSIONAL - AUDIT" МЧЖ томонидан берилган.

Энергия тежовчи технологиялар оммалашмоқда

Фозилжон ҚОСИМОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Жиззах вилоятида энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, муқобил энергиядан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш ва қуёш панелларини ўрнатиш бўйича ишлар ҳудудлар кесимида жадал давом эттирилмоқда. Бу айти пайтда одамларнинг эҳтиёжини тўлақонли қондириш билан бирга оилавий даромад манбаи бўлиши мумкинлигини ҳам исботламоқда.

Хусусан, Пахтакор туманида яшовчи Фаррух Пиримқулов хонадонига дастлаб 3 кВтлик қуёш панелини ўрнатган эди. Хонадон эгаси, бу ускунанинг аҳамиятини, унинг фойдали жиҳатларини, имтиёзларини чуқур ўрганди ва тармоқни кучайтиришга қарор қилди. Босқичма-босқич бажарилган ҳаракатдан кейин бугун курилманинг тўла қуввати 18 кВт га етказилди. Бу эса хонадон эҳтиёжидан ортиб, давлатга ҳам электр энергиясини сотиш имкониятини аниқда оширди. Айти чоғда Фаррух Пиримқулов мазкур қуёш панели орқали бир кунда 80 - 100 минг сумчага электр қувватини сотиб, даромад олмақда. Бу бир ойда 3 млн сум маблағ дегани. Шу кунга қадар Пахтакор туманида 195 та хонадонга жами 311 та корхона, таш-

килот ва тадбиркорлик объектига етарлича қувватга эга панеллар ўрнатилиб, фойдаланишга топширилган. Шу билан бирга, аҳоли хонадонлари, ташкилот ва тадбиркорлик субъектларига жами 2350 литрлик сув иситкич гелио-коллекторлар ўрнатилган.

Айти пайтда туманда муқобил энергия манбаларидан самарали оширилаётган бу каби истиқболли лойиҳалар ҳудудлар ва хонадонларни, мекнат жамоаларини узлуқсиз энергия билан таъминлашда, мавжуд ресурсларни тежашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Бундан ташқари, Жиззах вилояти божхона бошқармаси томонидан чегара божхона постлари, шунингдек, божқарма биносига ўрнатилган қуёш панеллари энергия учун сарфни қисқартириш баробарида ишнинг узлуқсизлигига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Жиззах вилоят божхона бошқармасига қарашли Қўшкент ҳамда

Учтўрғон чегара божхона постлари орқали ҳар кун қўшни Тожикистондан Ўзбекистонга ва Ўзбекистондан Тожикистонга юзлаб юк машиналари, шунингдек, икки мамлакат фуқаролари ҳаракатланади. Замонавий, юқори самарадорликка эга технологиялар билан жиҳозланган ушбу постларда табиийки электр энергиясига бўлган

талаб доим юқори. Ноқулай об-ҳаво шароитида ёки фавқулодда вазиятларда тармоқда электр энергиясининг узилиб қолиши қўшимча манбаларга эҳтиёжни оширади. Энди ҳар икки божхона пости учун 10 киловаттдан жами 20 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатишга бундай муқобил манбалар сонини ана биттага ортириб, ишнинг узлуқсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Қуёш панелларига қўшимча тарзда ўрнатилган 200 литр ҳажмли қуёш сув иситиш геокolleкторлари ҳам марказдан анча олис бўлган ушбу постларда доимий иссиқ сув бўлишини кафолатламоқда. Буларнинг бари албатта, ходимлар учун қўшимча қулайликлар яратеди.

Қайд этиш керак, қишнинг қаҳратони ва ёзнинг жазирасида электр энергиясига бўлган талаб бошқа вақтларга қараганда анча юқори бўлади. Бундай вазиятда муқобил энергия манбалари энг самарали ечим саналади. Шу мақсадда Жиззах вилоят божхона бошқармаси биносига ўрнатилган 20 киловаттлик қуёш панеллари нафақат биноси электр энергияси билан узлуқсиз таъминламоқда, балки тармоқдан олиннадиган электр учун тўловнинг иқтисод қилинишига ҳам сабаб бўляпти. Шунингдек ишлаб чиқарилган электр қуввати бўйича "Яшил энергия" дастурига маълумотлар киритиб борилиши ҳам йўлга қўйилган.

Истеъмолда таъминот узилмайди

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Истеъмолчиларга узлуқсиз электр энергияси таъминоти етказиб беришда мавжуд электр узатиш тармоқларининг соз ҳолатда бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, таъмирлаш ишларининг вақтида олиб борилиши ҳам электр тармоқларида носозликларнинг келиб чиқишини олдини олади.

"Худудий электр тармоқлари" АЖ Самарқанд худудий филиали томонидан ҳам жорий йил бошидан куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қилиш юзасидан тасдиқланган жорий ва муқаммал таъмирлаш режасига асосан худудларда амалий ишлар бошлаб юборилган. Хусусан, айти пайтда Соҳанинг малакали мутахассислари томонидан Самарқанд шаҳри худудда жойлашган "Марказий" подстанциядаги трансформаторда муқаммал таъмирлаш ишлари олиб борилаётган. Шунингдек, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги нурилар соҳани мавсумга пухта тайёрлаш учун ишга жиддий ёндошиб, белгиланган режага биноан ишни ташкил қилишган.

Бўстонликда сайёҳлар оқими йил сайин ортмоқда

Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ўзининг табиати, сўлим гўшалари билан дам олувчиларни ўзига жалб этади. Шу сабабдан сайёҳлар оқими йил сайин ортмоқда.



Худуднинг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, худудга маҳаллий шу билан бирга хорижий туристларни жалб этиш, қўлай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида тизимли ишлар бажарилмоқда. Бугунги кунда тоғли худудларда дам олиш масканлари, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг Бўстонлик туманида ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш, худудда фойдаланилмаётган объектлар ҳамда ер участкаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида мунтазам равишда "E-Auktion" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотувга қўйилмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида электрон платформа орқали "Чорвоқ" туристик-рекреацион зонасида меҳмонхона, дам олиш маскани ва пикник зона барпо этиш шартла-

ри билан ер участкалари узок муддатли ижара ҳуқуқи асосида савдога қўйилди ва тадбиркорлар томонидан учта лот электрон савдоларида харид қилинди.

Улардан бири Бўстонлик туманидаги "Новобод" МФЙ худудида жойлашган ер майдонлари учун ўтказилган наваб-даги аукцион савдоларида бир неча талабгор орасидан энг мақбул таклифларни тақдим этган "Ostex Jizzakh" МЧЖ қўшма корхонаси ғолибликни қўлга киритди. Аукцион ғолиби харид қилинган 4,8 гектар ер майдонида 1,2 миллион доллар миқдорида инвестиция киритган ҳолда жаҳон стандартларига жавоб берадиган 100 ўринли замонавий меҳмонхона қуриш ва 30 иш ўрни яратиш мажбуриятини олди, деб ёзади ЎЗА мухбири Абдулазиз Мусаев.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, худуддаги ер участкаларининг ижара ҳуқуқини аукцион орқали сотишдан келиб тушган пул маблағларининг асосий қисми "Чорвоқ" ТРЗ инфратузилмасини такомиллаштириш, хусусан, электро-энергия, газ ҳамда сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ҳамда кўприкларни таъмирлаш ва ривожлантириш ишларига йўналтирилади.

Бойсунга келмаган ким бор?

Мамлакатимизда ёзнинг жазирама, иссиқ кунлари бошланди. Табиийки, бу фаслда инсон соя-салқин жойларга ошмади. Гўзал табиат қўйнида сайр қилишни истади.



Сурхондарё вилояти нафақат, бой тарихий обидалари, археологик ёдгорликлари, шифобахш сувлари балки, ўзининг тўрт фасли билан ҳам дунёга машҳур. Бойсун, Ҳисор, Кўхитанг тоғ тизмалари чўққиларида ёзда ҳам оппоқ қор зумраддек товланиб туради. Тоғ этакларида эса жазирама иссиқ кунларда баҳор нафасидан сархуш бўласиз. Масалан, айтилган воҳанинг Бойсун тумани марказида мевалар фарқ пишаётган бўлса-да, осмонупар тоғлар қўйнидаги қишлоқларда баҳор нафаси эсиб, ёз тафтидан безиган кишиларни ўз бағрига чорламоқда.

Табиат шайдогарига тақдим этилаётган бу сафарги суратларда туман марказидан 65 чақирим узоқдаги Қизилнавр қишлоғи манзаралари тасвирга олинган.

– Суратларга эътибор билан қарасангиз, ўзингизни гўёки баҳор ҳавосидан нафас олгандек ҳис этасиз, – деди Бойсун тумани ҳокимлиги ахборот хизмати

раҳбари Юнус Холиёров ЎЗА мухбири Холмумин Маматрайимовга. – Ез фаслида мафтункор баҳор қўйнига чўмгандек бўласиз. Тонг пайти ва оқшом чўкиши билан майин шабада баданингизни жунжиктиради. Солланиб, сизга меҳр билан тикилаётгандек туялган турфа

анвоий гуллар ифорида қалбингиз бир олам завқ-шавққа тўлади. Шаркираб оқаётган муздеккина қор сувидан бир симирсангиз борми, танангиз яйраб, бе-ийёёр сергак тортасиз. Бир зумда ўзингизни янада енгил ҳис этасиз. Хуллас, табиати гўзал, одамлари меҳмондўст бу қишлоқда энди мевалар гулдан қайтиб, ҳосил нишонларини кўрсатмоқда. Арчазорга бурканган тоғ қишлоғи чиндан ҳам экотуризм шинавандаларини мафтун этадиган жозибдор сўлим жой. Қишлоқ аҳли ва табиати мафтункор бу тарафга келувчилар учун кенг, раван йўллар, савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш шохб-чалари барпо этилиб, қўлай шароит ҳам яратилмоқда.

Теварак-атроф тандирдек қизиётган шу кунларда Бойсун тарафлардаги Дарбанд дара, Узундара ёки неандертал одам қолдиғи топилган Тешиктош ғорларига саёхатга чиқсангиз, Қизилнавр ҳам албатта келинг. Бу гўшада ёз фаслида баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оласиз. Қишлоқнинг меҳмондўсти, очик кўнгил, меҳнатқаш фидоий одамлари билан дилдан суҳбатлашасиз. Тоғ қўйинининг афсонага тўла бой тарихи ва гўзал табиат бойликлари билан яқиндан танишасиз.



Чодакда ёз соз ўтмоқда

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ёзнинг ҳароратли кунлари бошланиши билан барчамиз салқин ва баҳаво жойларда дам олишни хоҳлаймиз. Кимдир хорижга отланса, бошқаси эса ўзимиздаги дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаради. Ана шундай туристик манзиллардан бири – Чодак қишлоғидир. Наманган вилоятидаги Поп туманида жойлашган ушбу лоқация қўлай инфратузилмаси билан ажралиб туради.



Қишлоқнинг номи "пастдаги жой", деган маънони англатади. Ай-тишларича, дастлаб аҳоли тоғнинг юқори қисмида истиқомат қилган. Кейин аста-секин пастга тушиб кела бошлаган. Шу тариқа қишлоқ халқ тилида пастдаги жой – Чодак деб аталган. Худуд икки тоғ ўртасида жойлашган бўлиб, ўртасида катта сой бор. Сой суви ниҳоятда тоза ва муздек. Соининг икки тарафида дам олиш дачалари ташкил қилиниб, сўрилар ўрнатилган. Аҳоли ташрифт буюрувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ҳадисини олган. Дўконларнинг кечая кундуз ишлаб туриши, дам олиш масканларидаги тозалик, одамларнинг ширинтиллиги бунга мисол. Чодак дарёсининг ўрта қисмида эса Чодак олтин кони жойлашган бўлиб, у 1953 йилда очилган. Шундан буён серкатновлик даражаси юқори.

– Қишлоғимизга сўнги икки йилда келиб-кетувчи меҳмонлар сони кескин ошди, – деди чодаклик Дилшод Отабоев. – Нарҳ-наво ва табиати жиҳатдан Чодак ўзига хос худуд. Келганидан афсусланган одамни ҳали учратмадим.

Дарҳақиқат, бу ерда кўп нарсаларга гувоҳ бўлдик: одамлари сўз-га, муомалага уста, тоғ ичкарисига кириб бораверишда кўнгилочар манзиллар кетма-кетлиги хайратлантиради. Айниқса, узун марсофали канатлар, жозибали шаршаралар, тоғ орасини боғлаган Ўзбекистондаги энг баланд осма кўпригининг табиатга ҳамоханлиги кишига унутилмас завқ беради. Барча дам олиш манзилгоҳларида одамлар жағмулигини кузатиш мумкин. Сирдарёдан ташрифт буюрган меҳмон Саид ака шундай деди:

– Менга Чодак жуда ёқди. Имкони билан бу ерга келишни ниёт қилдим.

Шубҳасиз, Чодакка келган ҳар инсоннинг кўзида қувонч қўринади. Ёқимли тоғ ҳавоси инсон руҳини тетик қилади деб бежизга айтишмайди. Бир нарса эътибор тортди, яъни, биз сувни ўзимизга арзон-неъмат санаймиз. Хатто ибораларимизда "сувдай текин", жумласи

билан уни беқадр қилиб қўйганимиз. Уйлаб кўрилса, Чодакнинг бутун ажойиботи сув билан боғлиқ. Сув яшил табиатнинг, тоза ҳавонинг асосидир. Яқин келажикда Чодак каби қўлай туристик инфратузилмаларни қўпайтириш, яшилликка алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шундангина туризм давлат даромадининг асосий улушларидан бирига айланади.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Июнь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси Ахборотларни таҳлил қилиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўлими бош мутахассиси **Канил Захидов**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК бош бухгалтери **Бобир Худжакулов**,

"Ташгипрогор" АЖ фойдаланиш ва техник бўлими бошлиғи **Владимир Тараборин**, кутубхона менежери **Мавжуда Ахмедова**,

Жиззах вилояти, Дўстлик тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Шохрух Олтинов**,

Тошкент вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ДУК раҳбари **Шухрат Эгамбердиев**, етакчи мутахассиси **Дониёр Олимов**,

Хоразм вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси АКТ бўлими мутахассиси **Жамол Каримов**, Турқоқалма тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектору **Жамидбек Аббазов**

Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги "Қумушби-би-Ширкати" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Олим Аширов**, "Искандар авлоди" МЧЖ бош директори **Насриддин Ибрахимов**,

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги "Omadi-Ishonch-2020" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Шокир Мирзаев**, Зарафшон шаҳридаги "Zar Gold Best Boshqaruv Kompany" МЧЖ бош директори **Шавкиддин Шукуров**, Нурута туманидаги "Nur Kommunal Xizmat Bsk" бош директори **Облокул Муродов**,

Тошкент вилояти, Паркент туманидаги "МММ Сервис Бошқарув" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Мирғани Мирюнов**,

Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги "Фарғона Доно коммуналчи" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Доно Ҳошимова**,

Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги "Olmazor Ta'mir Servis Boshqaruv Kompaniyasi" МЧЖ бош директори **Маҳбуба Жўраева**ларни таваллуд қилиш билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИХАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚУМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОғЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

2 та оилавий шифокорлик пункти қурилди

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА, журналист.

Президентимизнинг жорий йил 25 апрелдаги "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарорига асосан олис масофада жойлашган худудларда маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги тоғли худудларда 2 та янги оилавий шифокорлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бугунгача туманда истиқомат қилувчи 109 мингга яқин аҳолига 140 ўринли битта марказий шифохона 500 қатновга мўлжалланган битта марказий кўп тармоқли поликлиника 7 оилавий поликлиникалар ҳамда 5 та оилавий шифокорлик пункти хизмат кўрсатиб келган бўлса энди уларнинг сони иккитага қўпайди.

Замонавий типда бунёд этилган "Кўчбулоқ" оилавий шифокорлик пункти худуднинг 1 780 нафар аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади. Шифохонани бунёд этишга маҳаллий ҳокимият томонидан 850 миллион сўм маблағ ажратилди.

– Ушбу пунктнинг очилиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириб, хиз-

мат самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади, – деди Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Жавлон Қодиров. – Шу вақтга қадар бу маҳаллада оилавий шифокорлик пункти бўлмагани учун одамлар 25-30 километр йўл босиб туман марказига қатнашга мажбур бўлишарди. Замонавий бинонинг бунёд этилгани муаммога барҳам берди. Бунинг учун курувчилардан миннатдор-миз. Оилавий шифокорлик пункти замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, компьютерлар интернет тармоғига уланган. Бу ерда хизмат қилаётган шифокорлар бевосита вилоят ёки пойтахтдаги малакали мутахассислардан онлайн маслаҳат олиш имкониятига ҳам эга. Энди тоғ аҳолиси узоққа қатнамасдан шу ернинг ўзида барча муолажаларини олиши мумкин.

Алишер Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғинида қад ростлаган оилавий шифокорлик пункти ҳам дастур доирасида барпо этилган бўлиб, барча қўлайликларга эга.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси),
Шерзод Ҳидоят,
Давронжон Адилов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Ҳошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирилиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,
Ниязбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар:
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (тахририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими),
E-mail: info@uzbunydokor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қаشقадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-637.
1732 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида
босилган. Бахоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайд.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.

Навбатчи – А. Ҳақбердиев.

ЎЗА яқуни – 21.36.
Топширилди – 22.30.